

УММАТАЛИЕВ Соҳибжон Ҳикматалӣ ўғли
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом тарихи ва манбаишунослиги IRCICA
кафедраси таянч докторанти
sohibjonummataliyev91@gmail.com

“ФУТУХ АЛ-БУЛДОН” АСАРИДА УСТРУШОНА ВА ШОШ ТАРИХИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

СВЕДЕНИЯ ПО ИСТОРИИ УСТРУШАНА И ШАША В ТРУДЕ «ФУТУХ АЛЬ-БУЛЬДОН»

ANALYSIS OF INFORMATION ON THE HISTORY OF USTRUSHONA AND SHASH IN “FUTUH AL- BULDON”

Аннотация. Мақолада IX асрда яшаган тарихчи Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асарида Мовароуннаҳр ўлкасининг қадимий шаҳарларидан ҳисобланган Уструшона ва Шош ҳақидаги маълумотлар бўйича сўз юритилади. Китобда келган маълумотлар илк ўрта аср тарихчи ва географларининг асарлари асосида қиёсий таҳлил қилинган ва хулосалар берилган. Шунингдек, мазкур шаҳарлар тарихи бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқотлар ҳақида маълумот келтирилган.

Калит сўзлар: ал-Балозурий, “Футуҳ ал-булдон”, манбалар, Уструшона, Зомин, Дизак, Шош, Қутайба ибн Муслим, ат-Торбанд.

Аннотация. В статье рассматриваются сведения об Уструшане и Шаше, считающихся древними городами Моварауннахра, приведенные из труда историка Ахмада ибн Яхья ал-Балозури «Футуҳ ал-бульдон», жившего в IX веке. Информация, содержащаяся в книге, была подвергнута сравнительному анализу и сделаны выводы на основе работ раннесредневековых историков и географов. Имеются также сведения об исследованиях по истории этих городов.

Ключевые слова: аль-Балазури, Футуҳ аль-бульдон, источники, Уструшана, Замин, Дизак, Шаш, Кутайба ибн Муслим, ат-Торбанд.

Annotation. The article deals with information about Ustrushna and Shash, considered the ancient cities of Movaraunnahr, given from the work of the historian Ahmad ibn Yahya al-Balozuri “Futukh al-buldon”, who lived in the 9th century. The information

contained in the book was subjected to a comparative analysis and conclusions were drawn based on the work of early medieval historians and geographers. There is also information about research on the history of these cities.

Keywords: al-Balazuri, Futuh al-buldon, sources, Ustrushana, Zaamin, Dizak, Shash, Qutayba ibn Muslim, at-Torband.

КИРИШ

Сўнгги йилларда республикамізда туризм соҳасини янада ривожлантириш, мазкур соҳада салоҳияти юқори бўлган ҳудудларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлаш орқали сайёҳлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва маданий меросни муҳофаза қилишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Кўп асрлик тарихга эга бўлган Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Шош, Уструшона каби шаҳар ва масканлар тарихини ёзма манбалар асосида ўрганиш туризм соҳасини ривожлантириш ҳамда ўзбек миллий давлатчилигининг қадимий тарихга эга эканлигини кўрсатади.

Аҳмад ал-Балозурийнинг “Футуҳ ал-булдон” асарида Мовароуннаҳр ҳудудига жойлашган илк ўрта аср шаҳарлари, уларнинг маъмурий тузилиши, жойлашуви ва бошқарув шакли ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Уларни IX-XII асрларда ёзилган географик ва тарихий манбалар билан қиёсий таҳлил қилиш ҳудуд шаҳарлари тарихини ўрганишга, хусусан, Ўзбекистоннинг мазкур даврдаги мавқеини кўрсатишга ёрдам беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

“Футуҳ ал-Булдон”да Самарқанд, Бухоро, Пойканд, Ромитон, Хоразм, Термиз, Сағониён, Кеш, Насаф, Хуттал, Уструшона, Хўжанд, Шош, Исфижоб, Фарғона каби шаҳарлар ва уларнинг таркибидаги маъмурий бирликлар тўғрисида қимматли ҳамда бирламчи маълумотлар келтирилган [5:567-607]. Мазкур мақолада Шош ва Уструшона шаҳарлари тарихига оид маълумотлар ал-Балозурий (ваф. 892), Абул-Қосим ибн Хурдодбех (820-912), Абу Исҳоқ ал-Истахрий (850-934), Муҳаммад ибн Ҳавқал (ваф. 988), Шамсиддин ал-Муқаддасий (945-991), Муҳаммад ал-Идрисий (1100-1165), Ёқут

ал-Ҳамавий (1178-1229) ва бошқа тарихчи ва географларнинг асарлари асосида тадқиқ этилди. Қуйида ушбу шаҳарлар ҳақида атрофлича маълумот бериб ўтишга ҳаракат қиламиз.

Уструшона номи манбаларда Ушрусана (, [7:413-414], [606, 605, 603, 594 :5] (أشروسنة), [207, 169, 40, 38, 29 :8], [277, 265, 4:261], [338, 325-328, 322, 321, 312, 292, 288 :9], [243 20:197], [10:504], [343], Усрушана ((أشروسنة) 20:177], [11:322], [21:393-394], [40, 38, 8:29]), Сурушана (18:14), [328, 11:327] (أشروسنة), Шурусана (207, 8:169] (أشروسنة) Сутрушана (9:323] (أشروسنة) шаклларида қайд этилган. Бу вилоятнинг номи буддавий худолардан бирини англатувчи санскритча suturśan сўзи билан боғлиқ бўлиши мумкин. Уйғур ёзувида битилган буддавий мазмундаги бир кўлёзмада Sutrasan номли шаҳар қайд этилган бўлиб, унинг номи санскритча sudarśana сўзидан ясалган. Шунинг учун илм-фанда унинг номи Уструшона (أشروسنة) шаклида тўғри деб қабул қилинган [3:285].

Минтақа тарихи бўйича Ж.И.Ғофуров [6], Ф.Э.Тошбоев [16], М.Р.Атаев [17:14-31], С.С.Сувонов [15], М.Ҳ.Пардаев [12] ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот иши амалга оширилган. Уларда Уструшонанинг антик давр маданиятидан то ўрта асрларгача бўлган тарихи ёзма археологик манбалар асосида ўрганилган. Ж.И.Ғофуров тадқиқот ишида “Футуҳ ал-Булдон” асарининг Уструшона тарихини ўрганишдаги ўрнини алоҳида таъкидлаган. Унинг фикрича, асар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг “Тарих ар-русул ва ал-мулк” асарида қилинган баъзи сиёсий воқеаларни тўлдирувчи муҳим ёзма манбадир [6:13].

Ал-Балазурий келтирган маълумотга кўра, 713 йил Қутайба ибн Муслим Фарғонага юриш қилиб, унинг бир қисмини эгаллаганидан сўнг Суғд ва Уструшонага юриш қилган [5:594]. Лекин ушбу юриш ҳақидаги кейинги тафсилот “Футуҳ ал-Булдон”да учрамайди. Шундай бўлса-да, Марвон ибн Муҳаммад халифалиги даврида (744-750) Хуросон волийси Наср ибн Сайёр Уструшонага юриш қилган, бироқ ҳеч қандай натижага эриша олмаган [5:603].

Уструшона ҳукмдорлари арабларга қаршилик кўрсатиб, узоқ вақтгача мустақилликни сақлаб келдилар. Халифа

Маъмун даврида (813-833) Уструшона подшоҳи Ковус¹ халифалик вазири ва котиби Фазл ибн Саҳлга мактуб ёзиб, сулҳ тузишни сўради. Унга кўра, Ковус Фазлга белгиланган пулни бериши ва бунинг эвазига мусулмонлар унинг шаҳрига юриш қилмаслиги шарт қилинган эди. Фазл бунга рози бўлди. Маъмун Мадина ас-Салом (Бағдод)га келганда², Ковус тузилган сулҳга вафо қилишдан бош тортди [5:604].

822 йилда халифа Маъмун Аҳмад ибн Абу Холид бошчилигида Хуросонга катта қўшин жўнатди. У Балх дарёсидан кечиб ўтиб, Мовароуннаҳрга юриш қилди ва Уструшонани эгаллади. Шаҳар ҳукмдори Ковус ибн Саҳир ва унинг ўғли Фазл ибн Ковус ҳибсга олиниб Бағдодга, халифа Маъмун ҳузурига юборилди [13:595]. Ковус ислом динини қабул қилди ва Уструшона ҳукмдори бўлиб қолди. Унинг Ҳайдар ибн Ковус (ваф. 841) исмли ўғли халифа Муътасим даврида (833-842) муҳим ҳарбий лавозимга эга бўлган [3:363].

Ўрта аср геграфлари шаҳар табиати ва жойлашган ўрни ҳақида атрофлича маълумот берган. Уструшона шарқда Фарғона ва Помир (Фомир)нинг бир қисми, ғарбда Самарқанд вилояти, шимолда Шош ва Фарғонанинг бир қисми, жанубда эса Кеш, Сағониён худудлари билан туташган. Унинг энг катта шаҳри Бунжикат (بنجكت) деб аталган. Шаҳарнинг ички мадина³ қисми мудофаа девори билан ўралган. Шаҳарнинг рабод⁴ қисми атрофида ҳам девор бўлган. Унинг бинолари лой ва ёғочдан қурилган. Ички мадинада жомеъ масжиди бўлиб, унда илмий суҳбатлар олиб борилган. Шаҳарда кўплаб бозорлар ва ҳунармандчилик устахоналари фаолият юритган [10:504].

¹ Ковус ибн Саҳир (كوس بن صهر) – IX асрнинг биринчи яримида (тахминан 800-825 йилларда) Уструшонада ҳукм сурган афшин унвонли маҳаллий ҳукмдорлар сулоласининг сўнгги вакили.

² Абдуллоҳ Маъмун 813-818 йилларда халифа сифатида Марвда, 818-833 йилларда эса Бағдодда ҳукм юритган.

³ Мадина (المدينة) – араб., бу сўз ўрта асрларда икки хил маънода ишлатилган: “шаҳар” ёки “ички шаҳар” ва “бош шаҳар”, яъни “пойтахт”. Бу сўзнинг “бош шаҳар”, “пойтахт” маъносини англатувчи арабча синоними қасаба (قصبه) ҳам дейилган.

⁴ Рабод (ربض) – араб., “шаҳарнинг чеккаси”, “маҳалла”, “маскан” маъноларини англатади. У ерда асосан савдо ва ҳунармандчилик марказлари, бозорлар ва қарвонсаройлар, шунингдек ер эгаларининг қасрлари жойлашган. Ташки шаҳарни ўраб турган мудофаа девори ҳам рабод деб аталган.

Уструшона худудиди Арсубоникат (ارسبانيكت), Куркат (كركت), Ғазак (غزق), Фағкат (فغكت), Собот (ساباط), Зомин (زامين), Дизак (ديزك), Нужкат (نوجكت) ва Харқона (خرقانة) сингари шаҳарлар бўлган. Уструшона ҳукмдорлари Бунжикат шаҳрида яшаганлар. Бу шаҳардаги эркак аҳолининг сони тахминан 10 минг кишини ташкил этган. Ички мадинанинг 2 та дарвозаси бўлиб, улардан бири “Боб ал-аъло” (باب الأعلى), иккинчиси “Боб ал-мадина” (باب المدينة) деб аталган. Ички мадинада катта ариқ оқиб ўтган бўлиб, унда тегирмонлар иш юритган.

Бунжикат шаҳри бозорлари шаҳарнинг мадина ва рабод қисмларида жойлашган. Рабод девори бир фарсах майдонни ўз ичига олиб, уйлар, боғлар, экинзорлар, узумзорлар ва далаларни ўраб турган. Девор ичида жойлашган барча нарса шаҳарга, девор ташқарисидагилари эса русток⁵га қарашли ҳисобланган. Рабоднинг тўртта дарвозаси бўлиб, улар Боб Зомин (باب زامين), Боб Марасманда (باب مرسمنده), Боб Нужкат (باب نوجكت) ва Боб Қаҳобоз (باب كهاباذ) деб номланган [7:413-414].

Бунжикатдан кейин катталиги бўйича иккинчи шаҳар Зомин бўлган. У Фарғонадан Суғдга олиб борувчи йўлда жойлашган. Унинг бошқа номи Савсанда (سوسنده) бўлган [9:327]. Ибн Ҳавқалнинг келтиришича, Зомин шаҳри X асрда хароба ҳолатга келиб қолганлиги сабабли аҳоли Фарғона йўлига яқин жойга кўчиб ўтган. Савсанда номи ҳам янги худудга нисбатан ишлатилган [7:414]. Шундай бўлса-да, Зомин топоними ҳам сақланиб қолган.

Уструшона текис даштдан иборат бўлиб, унда тоғлар бўлмаган. Унинг таркибидаги Дизак шаҳри текисликда жойлашиб, кўп сонли одамларни сиғдира олувчи рабод⁶ларга эга эди. Шаҳардаги энг диққатга сазовор бўлган Худайсар (خديسر) работи Дизакдан икки фарсах масофада жойлашган. Бу Мовароуннаҳрдаги энг

машҳур рабодлардан бири бўлиб, уни Ҳайдар ибн Ковус курдирган. Дизак оқар сувларга мўл бўлганлиги учун Уструшонанинг ҳосилдор шаҳарларидан бири сифатида эътироф этилган [7:414].

Уструшона ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг Жиззах ва Сирдарё вилоятлари, шунингдек Тожикистоннинг Ўратепа вилоятига тўғри келади [3:287].

Уструшонанинг шимолий қисмидаги **Шош** вилояти ҳам қадим тарихга эга бўлиб, Мовароуннаҳрнинг шарқий қисмида жойлашган. Шош Сирдарёнинг ўрта оқими ҳавзасидаги Чирчиқ ва Оҳангарон водийларини ўз ичига олган Чоч (چاچ) тарихий вилояти номининг арабча шакли ҳисобланади. Чоч топоними VI-VIII асрларда зарб этилган турк-суғд тангаларида, шунингдек, Қанқа⁷ шаҳар харобаларидан топилган сопол идишга ўйиб ёзилган қадимги туркий руник ёзувда ҳам қайд этилган [3:280].

Шош тарихи бўйича Ю. Буряков [22], Қ.Муниров, А.Ирисов, А.Носиров [23], А.Бобожонов [1], А.Муҳаммаджонов [2], Н.Мухамедов [14] ва бошқа тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб борган.

“Футух ал-Булдон”да Шош номи бир неча ўринда келтирилган. Хусусан, Қутайба ибн Муслимнинг 712 йили Суғд вилояти маркази Самарқандга юриш қилиши воқеасида зикр қилинади. Асарда келтирилишича, Суғд ҳукмдори Ғурак арабларга қарши курашда ёрдам сўраб Шош подшосига мактуб ёзган. Шош ҳукмдорлари ат-Торбанд⁸ шаҳрида яшар эди. У ўзининг кўп сонли аскарлари билан унга ёрдамга келди [5:592]. Балозурий нақл қилган маълумотдан VIII аср бошларида Суғд ва Шош ҳукмдорлари ўртасида яқин муносабат бўлганини билиш мумкин. Бундан Шош ҳукмдорлари қароргоҳи ат-Торбанд шаҳрида жойлашгани маълум бўлади.

⁵ Русток (رستاق) – форсча русто (روستا) – “кишлоқ”, “туман” сўзининг арабча шакли. Бу сўз форс (пахлавий) тилидаги rudista – “кишлоқ”, “мамлакат”, “вилоят” сўзларидан келиб чиққан. Араб тилидаги географик манбаларда бу сўз русток (رستاق) шаклида қайд этилган бўлиб, унда шаҳар ташқарисида жойлашган, хўжалик ва солиқ нуқтаи назаридан алоҳида бир худуд назарда тутилган.

⁶ Работ (رباط) – араб., ўрта асрларда арабларнинг мустаҳкамланган қароргоҳи. Дастлаб (Ислом дини тарқала бошлаган даврда) харбий юришлари амалга ошириш мақсадида қурилган. Кейинчалик работ фақат қўрғон, истехком маъносидагина эмас, балки меҳмонхона (қарвонсарой) мазмунида ҳам тушунилган.

⁷ Қанқа ёки Қанғ – милoddан аввалги III-милoddий V аср ўрталарида Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида мавжуд бўлган давлат. Айрим адабиётларда ушбу давлат аҳолиси ҳам унинг номлари билан аталади. Давлат номи хитой манбаларида Кангкия, замонавий ўқилишда Кангжюй, рус адабиётида Кангюй шаклида қайд қилинган.

⁸ ат-Торбанд (الطاربند) – Сирдарёнинг қуйи оқими ҳавзасидаги Фороб (فارب) ёки Бороб (باراب) вилоятида жойлашган шаҳар ва вилоят. Бошқа манбаларда бу шаҳарнинг номи Торбанд (طاربند), Турорбанд (طراربند), ат-Тарбанд (التربند), Турор (طرار) ва Турор (ترار) ёки Утрор (اترار) шаклларида ҳам қайд этилган.

Шошнинг араблар томонидан эгалланиши ҳақида “Футуҳ ал-булдон”да иккита ривоят нақл қилинган. Биринчи ривоятда Қутайба ибн Муслим бутун Шошни забт этганлиги ва Исфижоб⁹гача етиб борганлиги айtilган. Иккинчи ривоятда Шошнинг эгалланиши Байканд, Кеш ва Насаф шаҳарлари билан бирга бўлгани ҳақида сўз боради [5:593]. Ҳар иккала ривоятда ҳам саналар кўрсатилмаган. Халифа ибн Хайёт ҳам Қутайба ибн Муслимнинг Шошга 2 марта 713 ва 714 йилларда юриш қилганлиги ҳақида маълумот берган [19:310-311]. Демак, Қутайба 713 йили Шошни эгаллаб, Хуросонга қайтиб кетганидан сўнг маҳаллий ҳукмдорлар шаҳарда бошқарувни қўлга олган, шунинг учун араблар 714 йили иккинчи марта юриш қилишга мажбур бўлган.

Асарда Қутайба ибн Муслим даврида Шош ва Фарғонага арабларнинг кўчирилганлиги айtilган [5:606]. Лекин Қутайбанинг арабларни Фарғона ва Шошга жойлаштиргани ҳақида бошқа манбаларда маълумот келтирилмаган [3:373].

Шош тарихига оид маълумот Хуросонда Жарроҳ ибн Абдуллоҳ¹⁰ волийлик қилган давр (717-719) воқеаларида ҳам келган. Унинг даврида Мовароуннаҳрга Абдуллоҳ ибн Муаммар ал-Яшкурӣ юборилди. У шарққа юришини давом эттириб, Синга кирмоқчи бўлди. Лекин турклар уни қуршаб олдилар. Абдуллоҳ улардан пул бериб қутулди ва озод бўлиб, Шошга келди [5:599]. Бу ерда Син деганда, Шарқий Туркистон, яъни Хутан ва Кошғар ерлари назарда тутилган. Чунки у ерлар ва унга туташ бўлган ҳудудларда турклар яшаганлар. Афтидан, Абдуллоҳ ибн Муаммар ал-Яшкурӣ Фарғонадан Тянь-Шан тоғлари орқали Кошғарга ўтмоқчи бўлган. Ўша ерда у туркларга дуч келган ва улардан қочиб, Шошга қайтиб келган [3:317]. Абдуллоҳ ибн Муаммарнинг Фарғонага эмас, Шошга келганлиги у ерда арабларнинг алоҳида ҳарбий

бўлиниши ёки қароргоҳи мавжуд бўлганлигини билдиради.

Илк ўрта асрларда Шош вилояти қайси ҳудудларни ўз ичига олганлиги ва унинг таркибидаги шаҳарлар тўғрисида Ибн Ҳавқал, Истаҳрий, ал-Муқаддасий, Ёкут ал-Ҳамавий ва бошқа тарихчи-географларнинг асарларида қимматли маълумотлар келтирилган.

IX-X асрларда Шош номи икки хил – тор ва кенг маънода ишлатилган. Тор маънодаги Шош вилоятига Наҳр Турк (ترك نهر) ва Наҳр Илоқ (ايلاق نهر), яъни Чирчиқ ва Оҳангарон водийларини ўз ичига олган Тошкент воҳаси киритилган. Кенг маънодаги Шош вилояти эса, исломдан аввалги Чоч мамлакатининг ҳудудлари, яъни Чоч ҳукмдорларига қарашли бўлган Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқими ҳавзаси ва Етгисувда жойлашган ҳамма ерларни ўз ичига олган [3:281].

Тор маънодаги Шош вилоятининг ҳудудлари жанубда Шош дарёси, шимолда ал-Қалос даштида (القلاس) жойлашган Боб ал-Ҳадид (باب الحديد) номли ер, шарқ томонда Шош вилоятига қарашли тоғлар, ғарб томонда эса Винкард (ونکرد) номли насронийларнинг қишлоғига борган. Шош вилояти асосан текисликда жойлашган бўлиб, унда бирорта тоғ, тепалик ёки чуқурлик бўлмаган. Унинг оқар сувлари сероб, ҳамма ерлари обод, кўкаламзор ва гуллаб яшнаган бўлган. X асрда Шош вилоятида шаҳарлар кўп бўлиб, бир-бирига жуда яқин масофада жойлашган [7:416].

Араблар даврида Шош пойтахти ҳозирги Тошкент ҳудудида жойлашган Бинкат (بنكت)¹¹ номли шаҳарга кўчирилган. Бу шаҳарлардан ташқари Шош вилоятида Данфагонкат, Жинонжкат, Нажокат, Банокат, Харашкат, Ишбайнғу, Ардлонкат, Худайнкат, Канкрок, Калашжик, Ғарканд, Ғаннож, Жабузан, Вардук, Кабарна, Ғадронк, Нужокат, Ғазақ, Абарзкат, Бағункат, Баркуш, Хотункат, Жабғукат, Фаранкат, Кадок, Наколик каби шаҳарлар бўлган [9:328-331]. 776 йилда араб амирларидан Абдуллоҳ ибн Ҳумайд ибн Саур Шош вилоятида Софлиғ номли тоғдан бошлаб Шош дарёсигача ал-Қалос дашти бўйлаб чўзилган муҳофаа деворини қурдирган.

⁹ Исфижоб (اسفيجاب) – Чимкент вилоятидаги Сайрам қишлоғининг марказига тўғри келади. Манбаларда шаҳар номи Асбижоб (اسبيجاب) ёки Исбижоб (اسبيجاب), Испижоб (اسبيجاب), Исишоб (اسيشاب), Истижоб (استجاب) шаклларида келган.

¹⁰ Жарроҳ ибн Абдуллоҳ ал-Ҳакамӣ – унинг асли Ямандан бўлиб, Шом мамлакатадаги Ҳимс шаҳрида туғилиб ўсган. 705-706 йилларда Басра волийси ва Ироқ волийсининг ноиб, 708-712 йилларда ал-Басра волийси, 715-716 йилларда Восит волийси, 717-719 йилларда Хуросон ва Сижистон волийси бўлган.

¹¹ Бинкат – IX-XII асрларда Шош тарихий вилоятининг марказий шаҳри. Унинг харобалари ҳозирги Тошкент эски шаҳар қисмидаги тахминан ҳозирги Зарқайнар, Навоий кўчалари, Чорсу ва Ески Жува майдонлари ҳамда шу ердаги бозор билан чегарадош Гулбозор тепалигини эгаллаган.

ХУЛОСА

Демак, Мовароуннахрнинг шарқий қисмида жойлашган Уструшона вилоятидаги сиёсий-иҷтимоий жараёнлар, унинг таркибидаги шаҳарлар ҳақида тарихий манбаларда кўплаб маълумотлар келтирилган. Улар орасида “Футух ал-Булдон” асари ўлканинг VIII-IX асрлардаги тарихини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Уструшона вилояти узоқ вақт давомида ўз мустақиллигини сақлаб қолган. Хуросон ноибларининг уни араб халифалиги таркибига киритиш учун қилган ҳаракатлари самара бермаган. Фақат IX аср биринчи чорагида Уструшона халифа Маъмун аскарлари томонидан эгалланган. Географ-тарихчилар асарларидан минтақанинг жойлашуви, таркибий тузилиши, аҳолиси ҳақида маълумот берилган. Уструшона таркибидаги Зомин, Дизак (Жиззах), Бунжикат (Панжикент) каби топонимлар бир неча асрлар ўтган бўлса-да, ўз номини бугунги кунгача сақлаб қолган.

Илк ўрта асрларда Шош вилояти ҳам Мовароуннахрда муҳим сиёсий ўринга эга ҳудудлардан бири саналиб, қўшни вилоятлар билан мустаҳкам алоқада бўлган. Бу омилни 712 йили Суғд ҳукмдори Ғурак арабларга қарши курашда ёрдам сўраб, мактуб ёзганлиги ва Шошдан Самарқандга қўшин келганлиги мисолида кўриш мумкин. Айни пайтда, Шош аҳолиси эркесвар халқ бўлиб, араблар ушбу вилоятни эгаллаш учун бир неча марта юриш қилган. Эҳтимол, шунинг учун Қутайба ибн Муслим арабларни Шош ва Фарғонага кўчириш сиёсатини юритган. Араблар кириб келгунигача бўлган даврда Шош ҳукмдорлари ат-Торбанд шаҳрида яшаган бўлса, кейинчалик вилоят маркази Бинкат шаҳрига кўчирилган. VIII асрнинг биринчи чорагида Хитойга юриш қилган Абдуллоҳ ибн Муаммар ал-Яшқурий мағлубиятга учрагандан сўнг Фарғонага эмас, Шошга келганлиги у ерда арабларнинг алоҳида ҳарбий бўлинмаси ёки қароргоҳи мавжуд бўлганлигини билдиради. Шош вилоятининг IX-X асрлардаги ҳудудий жойлашуви, маъмурий тузилиши, табиати ва шаҳарлари ҳақида ўрта аср географларининг асарларида батафсил маълумот берилган.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- Бобоҷонов А. Ёқут ал-Ҳамавийнинг “Муъжам ал-булдон” асарида шошлик олимлар // Шарқшунослик. – 2004. – 12 сони.
- Муҳаммаджонов А. Қанг – қадимги Тошкент ва тошкентликлар. – Тошкент: Шарқ нашриёти, 2009.
- Ал-Балозурий. Футух ал-Булдон, Хуросоннинг фатҳ этилиши // Сўзбоши, араб тилидан таржима, шарҳлар, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи Ш.С.Қамолиддин. – Тошкент: ООО “Extremum-press”, 2017.
- Ал-Муқаддасий. Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим. – Қоҳира: Мактабат мадбулий, 1991.
- Аҳмад ибн Яҳё ал-Балозурий. Футух ал-Булдон. – Байрут: Муассасат ал-маориф, 1987.
- Ғофуров Ж.И. Уструшонанинг илк ўрта аср қишлоқ маконлари (ёзма ва археологик манбалар асосида): тар.фан.PhD. дис. ... автореф. – Самарқанд, 2019.
- Ибн Ҳавқал. Сураат ал-Ард. – Байрут: Дор мактабат ал-ҳаёт, 1992.
- Ибн Хурдодбех. Ал-Масолик ва ал-мамолик. – Лейдин: Матбаа Брайл, 1889.
- Истахрий. Ал-Масолик ва ал-мамолик. – Лейдин: Матбаа Брайл, 1870.
- Идрисий. Нузха ал-Мушток. – Қоҳира: Мактаба ас-сақофати вад-диния, 2002.
- Ибн ал-Факих. Китоб ал-Булдон. – Лейдин: Матбаа Брайл, 1885.
- Пардаев М.Ҳ. Шимоли-Ғарбий Уструшона илк ўрта асрларда, (Қуйи Сангзор воҳаси материаллари асосида): тар.фан.номз. ... дис. – Самарқанд, 1995.
- Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий. Тарих ар-русул ва ал-мулк. – Ж. VIII. – Қоҳира: Дор ал-Маориф, 1966. – Б. 595.
- Муҳамедов Н. Ўрта асрларда Шош воҳаси олимларининг ислом маданияти ва илм-фанига қўшган ҳиссаси: тар.фан.докт. (DSc) ... дис. – Тошкент, 2019.
- Сувонов С.С. Шимоли-Ғарбий Уструшонанинг суғорилиш тарихи (V-XVI асрлар, археологик материаллар асосида): тар.фан.ном. дис.. – Самарқанд, 1999.
- Тошбоев Ф.Э. Уструшона чорвадорларининг антик давр маданияти: тар.фан.PhD. ... дис. автореф. – Самарқанд, 2017.
- Атаев М.Р. Маждуддин ал-Уструшанийнинг Мовароуннахр фикҳ илми тарихида тутган ўрни: тар.фан.номз. ... дис.. – Тошкент, 2011.
- Худуд ал-олам / Форс тилидан таржима, сўз боши, изоҳлар ва жой номлари кўрсаткичи муаллифи Омонулла Бўриев. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
- Халифа ибн Хайёт. Тарихи Халифа ибн Хайёт. – Нажаф: Матбаат ал-Одоб, 1967.
- Ёқут Ҳамавий. Муъжам ал-Булдон. I жуз. – Байрут: Дор садир, 1977.
- Яъқубий. Китоб ал-булдон. – Лейдин: Матбаа Брайл, 1892.
- Буряков Ю. Тошкент воҳасининг қадимий қарвон йўллари. – Тошкент: Фан, 1978.
- Муниров Қ., Ирисов А., Носиров А. Тошкент тарихида баъзи сиймолар. – Тошкент: Фан, 1983.